

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ АСОМИДДИН КУРБОНКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЛАБА – ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ – ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Худайбердиев Асомиддин Курбонкулович

Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг
ижтимоий-фалсафий жиҳатлари.....3

Худайбердиев Асомиддин Курбонкулович

Социально-философские аспекты обеспечения информационной
безопасности студенческой молодежи Узбекистана.....21

Khudayberdiev Asomiddin Kurbonkulovich

Social-philosophical aspects of ensuring information security of students in
Uzbekistan.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ АСОМИДДИН КУРБОНКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЛАБА – ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ – ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Илмий Академияси Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fall150 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абиллов Ўрол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович
фалсафа фанлари доктори, профессор
Гаффарова Гудчехра Гуламжоновна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 17 декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қavat, 511-хона.Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қavat, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил « ___ » _____ да тарқатилди,
(2020 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)



Н.А.Шермухамедова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор


У.А.Маҳкамов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD)


Г.Т.Маҳмудова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қонилиги илмий
семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рақамли технологияларнинг ривожининг инсоннинг дунёни ва ўзини билиш имкониятларини кенгайтирди, ахборот технологиялари виртуал реалликда мулоқот қилиш ва фикр алмашишга йўл очди. COVID-19 пандемияси инсониятнинг ахборот технологиялари ёрдамида масофавий яшаш, меҳнат ва мулоқот қилишга эҳтиёжини ошириш билан бир қаторда, руҳий тушкунлик, саросималик, эртанги кунга умидсизлик каби хавфларни ҳам шакллантирмоқда. Бундай вазиятда, давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан энг аввало ёшларнинг табиий, ижтимоий-маънавий таҳдидларга нисбатан курашчанлигини тарбиялаш, билимдан конструктив мақсадларда фойдаланиш, хавфсиз ижтимоий маконни яратишга зарурат ошиб бормоқда. Шу боис билимни излаш, саралаш ва танлашда технологияларнинг хавфсизлигини таъминлаш ёшлар тафаккурига таъсир этувчи салбий ахборот оқимидан ҳимоялаш воситаси сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор етакчи илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларида давлат, жамият, шахс хавфсизлигини таъминлаш, билимнинг информативлигидан жамият ривожланишида фойдаланиш, унинг йўналишини аниқлаш ва хавфсиз ахборот маконини шакллантиришга доир илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Глобал ижтимоий маконда шахслараро ва давлатлараро муносабатларни ташкил қилиш омили сифатида ахборот хавфсизлигига эришиш дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг зарурий шарт сифатида амал қилмоқда.

Ўзбекистонда ахборот технологиялари жамият ҳаётининг барча соҳаларида ривожланмоқда. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ошиб бораётганлиги боис, ахборот хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис 1995 йилда биринчи даражали UZ миллий домени рўйхатга олинди. Агар 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий тармоқларида ахборот оқимини тартибга солиш учун 11 мингта веб-сайтлар фаолият кўрсатган бўлса, 2014 йилда улар сони 20 мингдан ошди, 2020 йилда эса 71 мингдан ортиқ фаол UZ домени¹дан фойдаланилмоқда. Бу UZ доменлар бир вақтнинг ўзида ахборот оқимини назорат қилиш ва янгиланаётган Ўзбекистондаги ислохотларга нисбатан билдирилаётган ижобий ва салбий фикрларни таҳлил қилиш имконини бермоқда. Ёшлар Ўзбекистон келажагининг асосий капитали бўлганлиги боис, уларнинг дунёқарашини бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ижтимоий қиёфасида замонавий касб эгасининг миллий руҳини, ватанпарварлигини тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида амал қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, «...ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини

¹ Миллий UZ доменида рўйхатдан ўтган сайтлар сони 71 мингдан ошди. <https://www.xs.uz>.

олиш»², улар жамият тараққиётининг асосий драйвери бўлиши учун ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ёшлар дунёқарашининг хавфсизлигини таъминлаш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантиришга барча даврларда алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, юнон файласуфи Сукрот жамиятнинг энг катта муаммоси ёшларнинг онги ва уларнинг ахлоқида жамият тараққиётига даҳлдорлик туйғусини тарбиялашдан иборат деб таъкидлаган. Арастунинг бахт-саодат келтирувчи инсоний хислатларни ўзида яхлит ҳолда акс эттирувчи ақлий фазилатлар яхши хулқ-одатлардир³, деган ғояси ёшларнинг ахлоқий тарбиясида билимнинг қадриятли мўлжалларини тўғри белгилашни тақозо этади. Ёшлар маънавий-ахлоқий дунёқараши хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқа мутафаккирлар⁴ ижодида очиқ берилган. Хусусан, Ал-Форобийнинг юксак ақлий қобилиятга эга бўлган «ҳар бир шахс ҳақиқий бахт-саодатга элтувчи фаолият билан қанча узоқроқ ва янада яхшироқ шуғуллансада, унинг кўнгли, руҳий ҳолати ҳам шунга мувофиқ комилроқ, фозилроқ бўлиб боради»,⁵ деган фикри инсоннинг ўзини-ўзи тарбиялаш баркамоллик омили эканлигига ишорадир. Абу Райҳон Берунийнинг «Илм даргоҳига борар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган ҳолатлардан, рақобатдан, очкўзликнинг қули бўлишдан озод бўлмоғи лозим»⁶, деган фикри ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолоти илму-маърифат билан юксалиши ва

² Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш-демократик жамият асосидир // Унинг ўзи. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд –Тошкент: «Ўзбекистон». НМИУ. 2018. –252 б.

³ Аристотель. Никомахова этика. Сочинения. Том 4. –Москва: «Мысль», 1983. –С.173.

⁴ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: «Ғафур Ғулом нашриёти», 1993. –160 б., Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-жилд. –Тошкент: «Фан», 1968. –486 б., Ибн Сино. Изб. Филос. Произведения. –Москва: «Наука», 1980. –С.478.

⁵ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: «Халқ мероси», 1993. –164 б.

⁶ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: «Фан», 1968. –106 б.

интеллектуал салоҳияти билан ўз йўлини танлаш имконига эга бўлиши асосланган.

XX аср мутафаккирлари Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг «Ёшларга мурожаат»⁷ мақоласида диний маърифатни дунёқараш хавфсизлигини таъминлаш омили деб ҳисобласа, «Муҳтарам ёшларга мурожаат»⁸ мақоласида дунёвий илмларни эгаллашнинг аҳамиятини асослаган, демак, ёшлар дунёқарашининг хавфсизлигини таъминлаш дунёвий ва диний билимлар уйғунлигига эришишни тақозо этади. Абдурауф Фитратнинг «Нажот йўли» рисоласидаги «Фикр тарбияси одамнинг ақлини камолга етказиш ва бахт-саодатга етиши учун қобилиятли қилиб тарбиялашдир»⁹ ғояси янгиланаётган Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислоҳотларни фикр тарбиясига йўналтиришга ишорадир.

XV-XIX аср Ғарб мутафаккирлари Н.Кузанский, Ж.Пико делла Мирандола, Н.Макиавелли, Э.Роттердам, М.Монтен, Ф.Санчес, Ф.Бэкон, Р.Декарт, Д.Юм, И.Кант, Г.В.Ф.Гегель, Б.Рассел, А.Шопенгауэр, Ф.Ницше сингари файласуфлар инсоннинг маънавий-ахлоқий хавфсизлигини таъминлашда мафкуравий омилларнинг таъсирини асослаганлар¹⁰. Хусусан, А.Шопенгауэрнинг «барча тирик вужудларнинг ҳаракатлантирувчи кучи стихияли инстинктив характерга эга бўлган яшашга интилиш иродасидир»¹¹ деган фикри инсон ўз ирода эркинлигини яхши ва ёмон амалларга йўналтириши мумкинлигига ишорадир.

XX аср хориж олимлари П.Дрюкер, Р.Кац, Дж.Кэш, У.Мартин, Д.Несбит, А.Норман, М.Порат, М.Рубин, Т.Стоуньер, Э.Фридмен¹² инсонларнинг ҳаёт тарзи ва жамият тараққиёти учун етарли бўлган ахборот ресурслари ва оқимларининг ишлашини таъминлаш, ёшларни маънавий-маданий ва психологик таҳдидлардан ҳимоя қилиш, давлатнинг ахборот суверенитети, фуқароларнинг ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқ ва эркинликлари даҳлсизлигини таъминлашга оид монографиялар нашр этганлар¹³. Э.Тоффлер,

⁷ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. –Тошкент: –«Маънавият» 2010. –169 б.

⁸ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. –Тошкент: –«Маънавият» 2010. –177 б.

⁹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. V жилд. –Тошкент: –«Маънавият» 2010. –195 б.

¹⁰ Кузанский Н. Компендий. Охота за мудростью. О вершине созерцания. –Москва: Академический проект, 2012. –С.134.; Мирандола Пико делла. Девятьсот тезисов. –Москва: Издательство Русской Христианской гуманитарной академии, 2010. –С.264.; Макиавелли Никколо. Государь. –Москва: Эксмо, 2019. –С.160.; Роттердамский Э.Похвала Глупости. – Москва: Из-во АСТ, 2018. –С.224.; Монтень Мишель. Опытты. Полное издание в одном томе. –Москва: Эксмо, 2017. –С.1216.; Богуславский В.М. Франциско Санчес - французский предшественник Френсиса Бэкона. –Москва: 2001. –С.134.; Бэкон Ф. Новый Органон. –Москва: РИПОЛ классик, 2018. –С.364.; Декарт Р. Рассуждение о методе. –Москва: Академический Проект 2019. –С.322.; Юм Давид. Трактат о человеческой природе. Малые произведения. В 3-х томах. –Москва: «Канон», 1995. –С.1280.; Кант И. Религия в пределах только разума. Пер. с нем. –Москва: Изд.стереотип. Книжный дом ЛИБРОКОМ, 2019. –С.304.; Гегель Г.В.Ф. Введение в философию: Философская пропедевтика. Пер. с нем. – Москва: Изд.стереотип. Книжный дом ЛИБРОКОМ, 2019. –С.264.; Рассел Б. Почему я не христианин. – Москва: Из-во АСТ, 2019. –С.288.; Шопенгауэр А. Мир как воля и представление. В 2-х томах. – Москва: Академический Проект, 2019. –С.1300.; Ницше Ф. Антихрист. Эссе Номо. Сумерки идолов. – Москва: Из-во АСТ, 2019. –С.352.

¹¹ Шопенгауэр А. Мир как воля и представление. Philosophy. –Минск: «Харвест», 2007. –С.9.

¹² Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

¹³ Нэсбит Дж., Абурдин П. Мегатенденции год 2000. –Москва: 1994.; Porat M., Rubin M. The Information Economy: Development and Measurement. Washington: 1977.; Drucker P.F. Post-Capitalist Society. New York: 1995.; Katz R. Japan: The System That Soured. The Rise and Fall of Japanese Economic Miracle. Armonk (N.Y.) – L., 1998.; Stonier T. The Wealth of Information. A Profile of the Post-Industrial Economy. L., 1983.

Ё.Масуда, А.Тойнби¹⁴ ижодида ахборотлашган жамиятда инсон омили алоҳида тадқиқ этилган. Япон омили Ё.Масуда «Ахборотлашган жамият инсонни Homo Sapiensдан Homo Intelligensга айлантиради» деб таъкидлаган, чунки, айнан Homo Intelligens дунёда янги цивилизациянинг шаклланишига хизмат қилади. Шунингдек, АҚШ (АҚШ ички хавфсизлик вазирлигининг Киберхавфсизлик ва коммуникация бошқармаси), Буюк Британия (Бирлашган Қиролликнинг Миллий киберхавфсизлик маркази)да ва бошқа Европа ва Осиё мамлакатларининг илмий тадқиқот марказларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг сиёсий, ижтимоий-маънавий аҳамияти, инсониятнинг барқарор тараққиётни тушуниш имкониятини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва ахборот хавфсизлигининг барча жиҳатларини муҳокамасига бағишланган халқаро конференциялар ўтказилмоқда.

МДХ мутахассислари, хусусан Россия олимлари Г.А.Атаманов, О.М.Манжуева, М.Ю.Захаров, Е.Е.Перчук, О.И.Немыкина, Ю.А.Каптюг, О.М.Цыденова, А.В.Поликарпов, А.Д.Урсул, Н.Н.Моисеев, В.Ф.Ницевич¹⁵ глобал ахборотлашув жараёни ривожланган давлатларда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг тақозо этилишини асослаганлар. Хусусан, А.Д.Урсулнинг фикрига кўра, «Ахборотлаштириш цивилизациянинг интеллектуал даражасини кескин ошириш унинг негизида инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини инсонпарварлик нуқтаи назаридан қайта қуриш мақсадидир»¹⁶. А.В.Поликарповнинг фикрича, ҳозирги даврда инсоният ҳаётида фан-техника ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг тараққиёти таъсирида туб ўзгаришлар рўй бермоқда¹⁷. Олимлар фикрича, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ахборот уруши, ахборот терроризми, ахборот қуроли ва бошқа глобал хавфлар ҳам кучаймоқда.

Марказий Осиё давлатларида ҳам ахборот хавфсизлигининг илмий фалсафий жиҳатларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

¹⁴ Masuda Y. The Information Society as Post-Industrial Society. –Washington: 1981; Тоффлер Э. Третья волна. – Москва: 2002.; Урсул А. Д. Информатизация общества. Введение в социальную информатику. –Москва: 1990; Моисеев Н.Н. Расставание с простотой. –Москва: 1998.

¹⁵ Атаманов Г.А. Информационная безопасность в современном российском обществе: Социально-философский аспект. Автореферат диссертация кандидата философских наук. –Волгоград, 2006. – С.24.; Манжуева.О.М. Феномен информационной безопасности: сущность и особенности. Автореферат диссертация доктора философских наук. –Улан-Удэ: 2015. –С.44.; Захаров М.Ю. Информационная безопасность социума: Социально-философское исследование. Диссертация доктора философских наук. –Ростов-на-Дону: 1998. –С.258.; Перчук Е.Е. Информатизация и информационная безопасность: Философско-методологические аспекты. Диссертация кандидата философских наук. –Москва: 2002. –С.159.; Немикина О.И. Глобализация виртуальной реальности и информационная безопасность. Диссертация кандидата философских наук. –Саранск, 2011. –С.196.; Каптюг Ю.А. Проблема информационной безопасности: философский и квантово-физический аспекты. Автореферат диссертация кандидата философских наук. –Москва: 2009. –С.16.; Цыденова О.М. Философско-этические основания информационной безопасности. Диссертация кандидата философских наук. –Улан-Удэ: 2005. –С.145.; Поликарпов А.В. Социально-философские аспекты проблемы информационной безопасности России. Диссертация кандидата философских наук. –Таганрог: 2000. –С.121.; Ницевич В.Ф. Информационное обеспечение национальной безопасности России. Диссертация кандидата философских наук. –Москва: 1996. –С.197.

¹⁶ Урсул А.Д. Информатизация общества: Введение в социальную информатику. –Москва: 1990. –С.45–46

¹⁷ Поликарпов А.В. Социально-философские аспекты проблемы информационной безопасности России. Диссертация кандидата философских наук. –Таганрог: 2000. –С.121.;

Хусусан, Қозоғистон олимлари А.Э.Баймухамбетов «Глобаллашув шароитида Қозоғистон ОАВларининг ўзига хослиги ва замонавий тенденциялари», Т.П.Васько «Гуманитар ОТМлари талабаларининг ахборот-психологик хавфсизлиги хусусиятлари», Тожикистон олимлари П.А.Махмадов «Сиёсий коммуникацияларда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳолати ва устувор йўналишлари (Марказий Осиё давлатлари материаллари асосида)», К.И.Сафиев «Замонавий сиёсий жараёнлар контекстида Тожикистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг моҳияти ва устувор йўналишлари», Қирғизистон олимлари М.М.Мусуралиева «Қирғизистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг сиёсий механизмлари», М.М.Высоцкая «Фалсафий ақс эттириш контекстида онгни бошқариш» мавзуларида докторлик ва номзодлик диссертациялари¹⁸ни ҳимоя қилганлар.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»¹⁹ асарида таҳдидларнинг халқаро ва минтақавий даражаси илмий асосланган. Янгиланаётган Ўзбекистонда давлат раҳбарининг ички ва ташқи таҳдидларни бартараф этиш учун дунё сиёсатчилари билан биргаликда олиб бораётган музокаралари,²⁰ бевосита ёшлар дунёқарашига бўлаётган таҳдидларнинг оқибатлари ва уларнинг олдини олишга йўналтирилган тизимли фаолиятдир²¹.

Шунингдек ахборот, ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг методологик жиҳатлари М.Н.Абдуллаева, Б.Р.Каримов, К.Ж.Туленова, З.Д.Давронов, Э.М.Иззетова, ижтимоий аҳамияти С.Отамуратов, И.Саифназаров, Ў.М.Абилов, А.М.Абдувоҳидов, М.А.Яҳё каби олимларнинг монография ва мақолаларида таҳлил этилган. С.Отамуратов миллий хавфсизликни таъминлашда тил омилини, И.Саифназаров ёшлар тарбиясида оиланинг ролини, К.Туленова ижтимоий жараёнлар хавфсизлигини прогнозлаштиришнинг аҳамиятини, Н.Шермухамедова илмий ва ижтимоий ахборотни селекция қилишда тафаккур услуги имкониятларини очиб берган. Тадқиқотчилар М.З.Абдуллаева ёшларда интернет, ижтимоий тармоқлардаги ғоявий таҳдидларнинг шакллари ва жаҳон ахборот тизимидаги кибертаҳдидларга қарши курашиш усулларини²², Г.Ғ.Ғаффарова мураккаб тизимларда ахборот генерациясининг фалсафий-методологик жиҳатларини²³,

¹⁸ Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

¹⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: «Ўзбекистон». НМИУ.1997. –267 б.

²⁰ 2017 йил 21 май куни Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида бўлган араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида шунингдек, 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 72 –сессиясидаги маърузалари.

²¹ Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

²² Абдуллаева М.З. Кибермақон ва ислом билан боғлиқ диний-маънавий жараёнлар. 07.00.04 –Диншунослик. тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент: 2020.;

²³ Ғаффарова Г.Ғ. Мураккаб тизимларда ахборот генерациясининг фалсафий-методологик асослари. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2019.

О.М.Кострина иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий аҳамиятини²⁴ асослаш бўйича илмий изланишлар олиб борган.

Тарихий адабиётлар, хориж ва Ўзбекистон олимлари илмий ишларининг таҳлили натижасида барча даврларда хавфсизликни таъминлашга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилганлиги, ахборот хавфсизлиги сиёсат, тарих, фалсафа, социология соҳаларида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилганлиги эътиборга молик. Айни пайтда ёшлар дунёқарашига таъсир этувчи кибербуллингнинг (интернет орқали таҳдид) олдини олиш бўйича етарли тавсиялар берилмаганлиги боис, ушбу диссертацияда талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муштараклиги» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон талаба-ёшлари дунёқарашининг хавфсизлигини таъминлаш, улар фаолиятида билим ва амалиёт уйғунлигига эришишда ахборот технологияларидан оқилона фойдаланишнинг аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талаба-ёшларнинг ижтимоий тармоқлардаги диалогида технологик билимдан рационал фойдаланишнинг ахборот хавфсизлиги омили сифатидаги аҳамияти ва ижтимоий-фалсафий моҳиятини асослаш;

ОАВларининг очиклиги, ошкоралигини таъминлаш, ахборотни саралаш, танлаш, етказишда хавфсизлик қоидаларига амал қилишнинг аҳамияти ва ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиб бериш;

Ўзбекистонда талаба-ёшлар дунёқарашини кибербуллинг (интернет орқали кўрkitиш, таҳдид қилиш)дан ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш бўйича таълим тизимида олиб борилаётган маънавий-маърифий фаолиятнинг моҳиятини очиб бериш;

талаба-ёшларнинг мустақил билим эгаллашида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни селекция қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги ижтимоий-маданий жараёнларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш амалиёти олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистондаги ахборот хавфсизлиги, талаба-ёшлар дунёқарашига таъсир этувчи кибертехнологияларнинг йўналишлари ташкил этган.

²⁴ Кострина О.М. Экономический механизм стимулирования деятельности предприятий связи и информатизации Республики Узбекистана. Диссертация кандидата экономических наук. –Ташкент: 2004. – С.135.;

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий ўзаро алоқадорлик, тизимлилик, тарихийлик тамойиллари, гипотетик-дедуктив, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талаба-ёшларнинг online ва offline таълим олиш жараёнида мустақил фикрлаши, касбий фаолиятида эгаллаган билимларидан мақсадли фойдаланиши учун ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг зарурати асосланган;

миллий ва халқаро ахборот макони хавфсизлиги мутаносиблигининг таъминланиши талаба-ёшларнинг турли танловларда ўзаро мулоқот эркинлигига эришиш омили эканлиги очиб берилган;

талаба-ёшларнинг хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун яратилаётган имтиёзлар улар дунёқарашида мулк эгаси бўлиш туйғусининг шакллантириш ва хавфсиз ахборот маконида мустақил фаолият олиб бориш имконияти эканлиги исботланган;

талаба-ёшларнинг стартап лойиҳаларида иштироки ижтимоий жараёнларга нисбатан даҳлдорлик туйғуси ва кибербуллингга (интернет орқали кўрқитиш) қарши мафкуравий иммунитет сифатида амал қилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талаба-ёшларни ахборот таҳдидларидан асраш улар дунёқарашида ахборот билим ва эътиқод уйғунлигини таъминлашда замонавий технологиялардан мақсадли фойдаланишнинг усул ва воситалари, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда ахборотга муносабат маданиятини шакллантиришнинг аҳамияти очиб берилган;

талаба-ёшларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш малака ва кўникмалари уларни ахборот таҳдидларидан асрашнинг асосий механизми эканлиги боис таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларига уланган таълимга оид сайтларнинг хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон талаба-ёшларининг ахборот хавфсизлигига оид тизимли фаолиятида, ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир илмий тадқиқот ишларида, талаба-ёшлар дунёқарашини кибертерроризм таҳдидларидан ҳимоя қилиш бўйича лойиҳаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ходимларининг аҳоли турли қатламлари онгида ижтимоий фаолликни ошириш, талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини, тафаккур хавфсизлиги, ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга доир

маърузаларида, турли фестивалларнинг сценарийларини тайёрлашда фойдаланишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш давомида олинган илмий натижалар асосида:

талаба-ёшларнинг online ва offline таълим олиш жараёнида мустақил фикрлаши, касбий фаолиятида эгаллаган билимларидан мақсадли фойдаланиши учун ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг заруратига оид амалий тавсиялардан «Талаба-ёшларнинг онгига қаратилган ахборот хуружларининг олдини олиш, уларда маълумотлар, интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан ўринли фойдаланиш маданиятини шакллантириш» номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 89-03-2892-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари талаба-ёшлар дунёқарашининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид маъруза ва семинар машғулотларининг мазмунини бойитишга хизмат қилган;

миллий ва халқаро ахборот маконининг хавфсизлигини таъминлаш талаба-ёшларнинг турли танловларда ўзаро мулоқот эркинлигига эришиш омили эканлигига доир таклифлардан «Ёшларни ғоявий таҳдид таъсирларидан ҳимоя қилишнинг амалий методик жиҳатлари» ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 8-7-8/836-сон маълумотномаси). Натижалар талаба-ёшларнинг мустақил таълим олиш ва фикрлаш, профессионал фаолиятида қатъий қарорлар қабул қилиш, сиёсий хушёрлик ва ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилган.

талаба-ёшларнинг хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун яратилаётган имтиёзлар улар дунёқарашида мулк эгаси бўлиш туйғусини шакллантириш ва хавфсиз ахборот маконида мустақил фаолият олиб бориш имконияти эканлигига оид тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг «Ёшлар келажак бунёдкори» амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 15 июлдаги 04-13/3266-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ёшларнинг хусусий тадбиркорлик субъектлари сифатида бизнес режалар ишлаб чиқиши, хавфсиз ахборот маконида янги билим, кўникмалардан фойдаланишига ва мулкдор туйғусининг шаклланишига хизмат қилган.

талаба-ёшларнинг стартап лойиҳаларида иштироки ижтимоий жараёнларга нисбатан даҳлдорлик туйғуси ва кибербуллингга (интернет орқали кўрқитиш) қарши мафкуравий иммунитет сифатида амал қилишига доир хулосалардан П-2019093036 рақамли амалий лойиҳада фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 11 июлдаги 02/09-948-19-сон маълумотномаси). Натижа, талаба-ёшларнинг дунёқарашини ахборот манипуляцияларидан ҳимоя қилиш, уларда конструктив танқидий тафаккурнинг шаклланиши, ўз келажagini прогнозлаштириш ва фаолияти доирасига ёшларни жалб қилиш маҳоратида намоён бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда эса 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналлар) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «Глобал ахборотлашув жараёни ва талаба-ёшларни ахборот таҳдидидан ҳимоялашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари» деб номланган биринчи бобда Ўзбекистонда ахборотлашув ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнлари хорижий давлатлар тажрибалари билан қиёсий таҳлил қилинган.

Муаллиф фикрича, бугунги глобал ахборотлашув жараёни жамият ривожининг барча соҳаларида намоён бўлмоқда. Бу эса, ахборотларни танлаш, саралаш ва уларга муносабат билдиришда ҳушёрликни ва ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришни тақозо этади. Бу глобал тармоқлардаги ахборотларга танқидий ёндашиш ва энг муҳим маълумотлар, билимларни ўзининг илмий фаолиятида қўллаш имконини беради. Зеро, ҳозирги даврда ёшларнинг фаол қатлами талабалар бўлиб, улар дунёқарашида ватанпарварлик руҳи, мамлакат келажагига даҳлдорлик туйғусини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертацияда Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар орасида муносиб ўринни эгаллаши учун иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича олиб бораётган фаолиятининг аҳамияти асосланган. Бу ҳамкорлик нафақат иқтисодий балки, ижтимоий соҳада хусусан, таълим соҳасига сарфланаётган сармояларда ўз ифодасини топмоқда. Чунки, инсон капитали мамлакатда барқарорликни таъминлаш мезонига айланмоқда. Буни диссертант, хориж давлатлари ва Ўзбекистонда талаба-ёшларга таълим олиш учун яратилаётган шароитларнинг қиёсий таҳлили асосида очиб берган ва Ўзбекистон таълим тизимидаги баъзи камчиликларни очиб берган. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим

тизимига «Маънавият асослари», «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанларини ўқитишнинг жорий этилиши ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракат бўлсада, уни ўқитишга бефарқлик таълимнинг барча босқичларида бир хил маънодаги ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш, янги адабиётларни яратишда яқдилликнинг йўқлиги оқибатида талаба-ёшларда ахборот хавфсизлигини таъминлашда муаммолар пайдо бўлган. Бу энг аввало, талаба-ёшларда миллий ғояга ишончсизлик руҳининг шаклланишида намоён бўлган. Ғарбда эса, хусусий илмий билимлар ва ёшларни касбий тайёргарлиги устувор вазифа этиб белгиланган. Бунинг натижасида улар юқори малакали мутахассис бўлсада, фаолиятида гуманизм, миллий руҳ сусайиши кузатилган.

Ҳозирги ахборотлашган жамият ривожланиши тўғрисидаги назарияларда ахборот технологияларининг имкониятларига танқидий ёндашувнинг йўқлиги технооптимизмни шакллантирмоқда. Бу ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган янги таҳдидларни эътиборга олмасликни тақозо этмоқда. Муаллиф фикрича, ахборот хавфсизлиги - бу ижтимоий муҳитда инсоннинг ўз кадриятлари, эҳтиёжлари (хаётий манфаатлар) ва ривожланиш мақсадлари нуктаи назаридан ички ва ташқи таъсирларга ҳимояни таъминлайдиган ахборот муҳитининг барқарор ҳолатидир. Шу боис, ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида амал қилади. Бунда ахборот маконининг ҳимоясини таъминлаш миллий манфаатлар устуворлигини, инсониятнинг маданий генофонди хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади.

Муаллиф фикрича, ахборот хавфсизлигининг муҳим объектлари – бу умуминсоний ва индивидуал кадриятлардир. Шу боис, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот технологияларидан фойдаланишда ахлоқий-маънавият муҳим аҳамиятга эга. Ахлоқий-маънавият ахборотни саралаш ва ундан фойдаланишнинг йўналишларини аниқлаш воситаси сифатида амал қилади ва унинг фаолият сифатини белгилайди. Демак, ахборот хавфсизлиги омили субъектнинг масъулияти ва ахлоқий ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ.

Диссертант ахборот хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигига эришишнинг таснифий белгиларини аниқлаган, улар

ахборот муҳитини яратиш ва унда ахборот технологияларидан сурункали фойдаланиш оқибатида шаклланадиган бегоналашув ва индивидуаллашувнинг олдини олиш мақсадида истеъмол меъёрларини аниқлаш;

ижтимоий институтлар ва шахслараро ижтимоий мулоқотда ахборот технологияларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот маконида ўзини-ўзи тарбиялаш маданиятини такомиллаштириш;

ахборот-психологик даражада зўриқишларни, ахборот фобиялари ва ахборот қарамлигини енгиш;

жамиятнинг ахборот саломатлиги, ахборот экологик даражасида ахборот гигиенаси ва ахборот экологиясига риоя қилиш учун шароитлар яратиш;

ахборот ахлоқи ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи нормаларини акс эттирувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш кабиларда намоён бўлади.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда талаба-ёшларни ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий омиллари» деб номланган иккинчи бобида талаба-ёшларнинг онгида бузғунчи ғояларга нисбатан ахборот хавфсизлигини таъминлашда ОАВларидан фойдаланишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари асосланган.

Диссертант, бузғунчи кучларнинг Ўзбекистондаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги ислоҳотларда беқарорликни шакллантиришга қаратилган ахборот таҳдидлари кучайиб бораётганлигини асослайди ва ахборот хуружларига қарши «маънавий-мафкуравий қалқон» тизимини яратиш лозим деб ҳисоблайди. Бундай қалқон тизими талаба-ёшларнинг билим кучи бўлиб, у ахборот таҳдидларига қарши курашга қаратилган бўлиши лозим. Бу эса, ўз навбатида талаба-ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоялаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнида ўзини-ўзи тарбиялашни ташкил этишнинг зарурлигидан далолат беради.

Муаллиф XX асрнинг 40 йилларида «Рейтер» агентлигини бошқарган Кристофер Чанселлорнинг «Янгиликни тарғиботдан фарқлаш зарур. Тарғибот бошқа нарса, янгилик эса мутлақо бошқа нарса. Инглизча ёки америкача янгиликлар бўлмайди, у халқаро товардир»²⁵, - деган фикрини ижобий баҳолайди. Дарҳақиқат, дунёда ҳар куни миллионлаб воқеалар содир бўлади. Аммо, ОАВларида фақат аҳоли турли қатламлари онгига ижтимоий-сиёсий кучлар манфаатини ҳимоя қилувчи ахборотлар сингдирилади. Бу фуқароларда маълумотларни талқин қилиш, баҳолашга доир ижобий ёки салбий фикр ва хулосаларининг шаклланишига хизмат қилади ва ОАВларини ижтимоий фикрни шакллантирувчи манипуляция майдонига айлантиради. Бу жараёнда дезинформация (ёлғон ахборот) тарқатилиши, воқеаларга бир ёқлама муносабатларнинг шаклланиши, энг муҳим ахборотни яширишга имкон яратилади ва баъзи талаба-ёшларнинг тафаккурида иккиланиш, шубҳаланишни шакллантиради.

Шу боис, диссертант Ўзбекистон қонунчилигида ёшларни, жумладан, талаба-ёшларни бузғунчи ғоялар, носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари ишлаб чиқилганлигини асослаган. Хусусан, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистонда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар таъқиқланиши, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса, порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намоёиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болалар онгига зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намоёиш этиш таъқиқланган. Ушбу йўналишдаги фаолият «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи

²⁵ Кастельс Мануэль. Информационная эпоха: экономика, общества и культура. Пер. с англ. П.И.Шкаратона. – Москва: 2000. –С.342.

ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда²⁶ ҳам ўз ифодасини топган. Муаллиф фикрича, бу қонун талаба-ёшларни ахборот хуружларидан асрашнинг ҳуқуқий асосидир, уларда соғлом эътиқодни шакллантириш қонун доирасида олиб борилиши ва ҳар бир ёшдаги ўсмирга индивидуал ёндашув ва тарбия воситаси қўлланилиши лозим. Бу жараёнда маъруза, суҳбат, мунозара, ролли ўйинлар, тренинглари, ижодий машғулоти, яққа маслаҳатлари, кинофильмлари намойиши қабилардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш, ёшларни таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда ОАВлари фаолиятдан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Муаллиф, ОАВлари доим ҳам тарбия функциясини бажармаслиги, баъзи ҳолларида аксил тарбия билан шуғулланишини тан олади. Шу нуқтаи назардан, немис олимларининг «Муҳим ахборотга эга бўлиш ҳокимиятга эга бўлиш; муҳим ахборотни номуҳимидан ажрата билиш янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлиш; муҳим ахборотни ўзига маъқул бўлган руҳда тарқата олиш имкониятига эга бўлиш ёки у ҳақида кўпчиликка ҳеч нарса маълум бўлмаслигига эришиш икки қарра ҳокимиятга эга бўлишни англатади»²⁷,- деган фикри диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, ОАВ - бу сўз, образлари, мусиқа ва шу қабил шаклларида ахборотнинг тезликда узатилиши ва оммавий тарқатилишини таъминлашга хизмат қилади. Бундай воситаларга оммавийлик, даврийлик, тингловчи ёки ўқувчилар аудиториясининг кенглиги қабил хусусиятлари ҳосилдир. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги даврда ОАВ имконияти ва қамровининг кескин даражада ўсганини қайд этиш лозим. ОАВнинг қамров даражаси, маҳаллий, умуммиллий, минтақавий ёки халқаро (глобал) миқёсда фаолият кўрсатиши ҳам унинг таъсир доирасини кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

